

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2025 йил декабрь ойининг 15 куни, жиноят ишлари бўйича Боғдод туман суди, Боғдод тумани “Тулистон” МФЙ биносига, сайёр суд мажлисида судья О.Сиддиқовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Мадаминовнинг котиблигида, давлат айбловчиси Боғдод туман прокурори А.Мухтаровнинг қатнашувида, гумон қилинувчи И.Мирзаев ва унинг химоячиси “НАҚИҚАТ ТАРАФДОРИ” адвокатлар ҳайъати адвокати Я.Сирожиддинов, жабрланувчи О.Мадумаровнинг иштирокида, Мирзаев Ислонжон Гаппоровичга оид 1-1507-2501/304-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Мирзаев Ислонжон Гаппорович, (Mirzaev Islomjon Gapporovich), 1958 йил 2 август куни Боғдод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, нафақада, Боғдод тумани, Бордон МФЙ, Дўстлик кўчаси, рақамсиз уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинган.

Суд, жиноят иши бўйича гумон қилинувчи ва жабрланувчининг ярашиш тўғрисидаги аризаларини, иш материаллари билан бирга кўриб чиқиб, гумон қилинувчи ҳамда жабрланувчини содир этилган жиноят ҳолатлари юзасидан кўрсатувларини ва тарафларни фикрини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Гумон қилинувчи И.Мирзаев 2025йил 22 октябрь куни соат 12:30ларда ўзига тегишли “Cobalt” русумли 40Y530LB давлат белгилли автомашинасини “40 V 088 A Янгикўрғон шаҳарчасига” автомобил йўлининг Боғдод тумани, Обод юрт МФЙ ҳудудидан ўтган 4 километрида Янгикўрғон шаҳарчаси томондан Боғдод тумани маркази томонга қараб бошқариб кетаётиб, амалдаги йўл ҳаракати қоидаларининг 53-бандида кўрсатилган “Ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, манёвр қилиш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларини ҳаракатланишига хавф туғдирмаслиги керак.” деган, 59-бандида “Рельсиз транспорт воситасининг ҳайдовчиси чорраҳадан ташқарида чапга бурилиш ёки қайрилиб олишда қарама-қарши йўналишдан ҳаракатланаётган транспорт воситаларига ва бир йўналишдаги трамвайга йўл бериши шарт” деган қоидали бузиб, қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиб келаётган транспорт воситаларига йўл бермасдан, чапга бурилиб, қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиб келаётган мотоциклчи О.Турсуналиевнинг йўлига чиқиб юбориб, йўл транспорт ходисаси содир этган.



Судга оид тиббий экспертизасининг 29.10.2025 йилдаги 2631-сонли хулосасида О.Мадумаровда ўнг оёқ болдир суякларини ўрта қисмидан очик синиб силжиши ва шу соҳа эзилиб йиртилган яраси, чап биллак, ўнг сон соҳалари юмшоқ тўқималарини лат ейиши, қонталаш ва шилинган жароҳатлари аниқланиб, ушбу жароҳатлари умумий меҳнат қобилиятининг 33 фоизидан ортигини турғун йўқотилишига олиб келган оғир шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Гумон қилинувчи И.Мирзаев суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроор эканлигини, қилмишидан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчига етказилган зарарни қоплаганлигини, ҳозирда жабрланувчи билан бирор-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи О.Мадумаров суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, гумон қилинувчи ҳозирда етказилган барча зарарларни қоплаганлигини, И.Мирзаевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги;

ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига мувофиқ жабрланувчи ЖКнинг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, жабрланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд тарафидан айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд гумон қилинувчи И.Мирзаев ва жабрланувчи О.Мадумаровларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурор А.Мухтаров, ҳимоячи Я.Сирожиддиновнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, гумон қилинувчи И.Мирзаевнинг айбига ихтиёрий иқроорлиги ва иш бўйича зарар қопланганлигини, жабрланувчи ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйик бўлмаганлигини, ярашув гумон қилинувчи, жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, гумон қилинувчи И.Мирзаевга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топди.



Шу билан бирга суд, жабрланувчи О.Мадумаровга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд тарафидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтирилганлигини қайд этишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 585-586-моддаларига амал қилиб,
суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Мирзаев Ислонжон Гаппоровичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан бўлган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан Жиноят кодекси 66¹-моддасига асосан жиний жавобгарликдан озод қилинсин ва жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан иш юритишдан тугатилсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн кунлик муддатда Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида хусусий шикоят бериш ёки хусусий протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи судья (имзо) **О.Сиддиқов**

“Аслига тўғри”
Раислик қилувчи судья **О.Сиддиқов**

